

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ДЖУМАНОВ ШЕРЗОД САФРАЛИЕВИЧ

**ПСЕВДОТИРҚИШ ХОДИСАЛАРИ ВАЮҚОРИ ҲАРОРАТЛИ
КУПРАТЛИ ЎТАЎТКАЗГИЧЛАРДАГИ ПСЕВДОТИРҚИШ ҲОСИЛ
БЎЛИШ ҲАРОРАТИГАИЗОТОП ЭФФЕКТЛАРИНИНГ ТАЪСИР
ҚИЛИШ МОДЕЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

01.04.07-Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Джуманов Шерзод Сафаралиевич

Псевдотирқиш ходисалари ва юқори ҳароратли купратли ўта
ўтказгичлардаги псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳароратига изотоп
эффектларининг таъсир қилиш моделларини ишлаб

чиқиш..... 3

Джуманов Шерзод Сафаралиевич

Псевдощелевые явления и разработка моделей влияния изотопических
эффектов на температуру образования псевдощели в купратных
высокотемпературных сверхпроводниках.....34

Djumanov Sherzod Safaralievich

Pseudogap phenomena and elaboration of the models for the influence of isotopic
effects on the pseudogap formation temperature in cuprate high-temperature
superconductors.....66

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 76

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ДЖУМАНОВ ШЕРЗОД САФРАЛИЕВИЧ

**ПСЕВДОТИРҚИШ ХОДИСАЛАРИ ВАЮҚОРИ ҲАРОРАТЛИ
КУПРАТЛИ ЎТАЎТКАЗГИЧЛАРДАГИ ПСЕВДОТИРҚИШ ҲОСИЛ
БЎЛИШ ҲАРОРАТИГА ИЗОТОП ЭФФЕКТЛАРИНИНГ ТАЪСИР
ҚИЛИШ МОДЕЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

01.04.07-Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/FM140 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Оксенгендлер Борис Леонидович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хидиров Ирсали
физика-математика фанлари доктори, профессор

Аюханов Рашид Ахметович
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек кўрғони, ЯФИ; тел. (+99871) 289-31-18; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100214, Тошкент ш., Улуғбек шаҳарчаси, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ кун тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

М.Ю. Ташметов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

О.Р.Тожибоев

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф. PhD

И. Нуритдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда легирланган мис оксидли (купратли) юқори ҳароратли ўтаўтказгичларнинг (ЮХЎЎ) нормал ҳолатидаги (яъни ўта ўтказувчан ҳолатга ўтиш ҳароратидан T_c юқори бўлган) псевдотирқиш ҳодисаларини ва юқори ҳароратли ўта ўтказувчанлик механизмларини ўрганиш замонавий конденсирланган ҳолат физикасининг жуда муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Ушбу юқори ҳароратли ўта ўтказгичлар янги физикасини ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда, чунки уларни амалий қўллаш фан ва техникада жуда муҳим истиқболларни очиб беради. Бугунги кунда ЮХЎЎ материаллари илм-фан, технология ва энергиянинг турли соҳаларида тобора кўпроқ фойдаланилаётганлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, ЮХЎЎ материалларининг нормал ва ўта ўтказувчан ҳолатларининг ҳал этилмаган муаммоси ушбу истиқболли материалларнинг муҳим амалий қўлланишини сезиларли даражада кечиктиради.

Ҳозирги вақтда ЮХЎЎ материаллар физикасининг энг мунозарали ҳамда асосий саволлардан бири бу псевдотирқишнинг маълум бир характерли ҳароратдан пастда уларнинг уйғониш спектрларида пайдо бўлиши, бу уларнинг ушбу ҳароратдан пастда Ферми сатҳи яқинидаги ҳолат зичлигининг пасайиши ҳамда псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳароратига янги изотоп таъсири ва псевдотирқиш ҳодисасини Бардин-Купер-Шриффер модели тасвирламайдиган юқори ҳароратли ўта ўтказувчанлик ҳодисаси билан узвий боғлиқлиги ҳисобланади. Шунинг учун ЮХЎЎ системалар физикасининг асосий муаммоларини ўрганиш, хусусан, икки хил $La_{2-x}Sr_xCuO_4$ (LSCO) ва $Bi_2Sr_2CaCu_2O_{8+\delta}$ (Bi-2212) купратли қотишмаларидаги псевдотирқиш аномалиялари ва янги изотоп эффектларини ўрганиш, айниқса уларнинг келиб чиқиш сабабларидаги мавжуд ноаниқликлар катта қизиқиш уйғотади ва жуда долзарбдир.

Республикамызда конденсирланган ҳолатлар физикасини (хусусан, яримўтказгичлар ҳамда юқори ҳароратли ўтаўтказгичлар физикаси) ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, легирланган ЮХЎЎ-купратлардаги псевдотирқиш аномалиялари ҳамда янги изотоп эффектларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз илм-фани ривожига ва уни янада амалий қўллаш учун катта аҳамиятга эга бўлган ушбу фундаментал тадқиқотлар йўналишлари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида¹ ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги, 2013 йил 1 мартдаги ПФ-4512-сонли “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

¹2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони

тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сонли “Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энерготехкорлик ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Легирланган ЮХЎЎ-купратлардаги псевдотирқиш ҳолатларини назарий ва экспериментал равишда дунёнинг етакчи илмий марказларининг кўплаб олимлари томонидан ўрганилмоқда, масалан, америкалик (P.W. Anderson, J.R. Schrieffer, D. Pines, S.A. Kivelson, P.A. Lee, C.M. Varma ва бошқалар), англиялик (A.S. Aleksandrov, V.J. Emeri, T. Rays ва бошқалар), ҳиндистонлик (G. Baskaran ва бошқалар), россиялик (A.I. Larkin) ва бошқалар. Бироқ, ушбу ишлар доирасида ЮХЎЎ-купратларда муҳим рол ўйнайдиган кучли ва ғайриоддий электрон-фонон ўзаро таъсирлари ва улар билан боғлиқ бўлган полярон эффектлари кўриб чиқилмаган.

Бундан ташқари, турли хил тажрибаларда ЮХЎЎ-купратларнинг нормал ҳолатидаги купер жуфтлари ва БКШ-симон псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳароратида $T^* > T_c$ ғайриоддий изотоп эффектларининг пайдо бўлиши кўрсатилди, улар кўплаб муаллифлар томонидан кўриб чиқилган, масалан, россиялик (M.V. Eremin, I.M. Eremin, S.V. Varlamov ва бошқалар), италиялик (C.Di. Castro, M. Grilli ва бошқалар), англиялик (A.R. Bishop) ва бошқалар. Улар поляронларни ҳисобга олган ҳолда турли хил тушунтириш беришига қарамасдан, ҳозирги пайтдаги барча кузатилган экспериментал маълумотларни тушунтириб берадиган етарли миқдорий назария мавжуд эмас.

Кўп сонли назарий ва эксперименталтадқиқотлар олиб борилишига қарамай, турли хил легирланмаган, оптимал легирланган ва ўта легирланган ЮХЎЎ купратларда учрайдиган псевдотирқиш ходисасининг табиати, шунингдек ушбу материалларда псевдотирқиш пайдо бўлиш ҳароратида T^* изотоп эффектларининг ҳосил бўлишининг ҳақиқий сабаблари ҳали ҳамон тушунтириб берилмаган ва ноъмалум.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф2-Ф070 “Легирланган ЮХЎЎ-купратларда $YBa_2Cu_3O_{7-\delta}$ ўта ўтказувчанлик ҳароратидан юқорида транспорт, иссиқлик ва эластик хусусиятларини ўрганиш” (2007-2011); Ф2-ФА-Ф120 «Кичик ўлчамли юқори

хароратли ўта ўтказгичлар, гетероструктурали яримўтказгичлар, металллар ва уларнинг оксидларининг электрон хусусиятлари ва радиацион модификацияси» (2012-2016); ОТ-Ф2-15 «Юқори хароратли ўтаўтказгичлар ва уларга ўхшаш конденсирланган системаларнинг янги ўта ўтказувчанлик ва ўта оқувчанлигини назарий ўрганиш» (2017-2021) мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори хароратли ўта ўтказгич купратларда псевдотирқиш ҳосил бўлишининг микроскопик моделларини ишлаб чиқиш ва БКШ-симон псевдотирқишнинг пайдо бўлиш хароратига янги изотоп эффектларининг таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тешикли легирланган купратларнинг қуйи энергияли электрон тузулишларини ва заряд ташувчи энергетик тирқиши ичида полярон зоналарининг ҳосил бўлиши ҳамда квазиэркин заряд ташувчиларнинг Ферми сатҳи яқинида поляронларнинг (жуфтлашмаган) псевдотирқишини ўрганиш;

кичик ва катта Ферми юзага эга бўлганкам легирланган, оптимал легирланган ва ўта легирланган ЮХЎЎ $La_{2-x}Sr_xCuO_4$ (LSCO) ва $Bi_2Sr_2CaCu_2O_{8+\delta}$ (Bi-2212) купратларнинг нормал ҳолатидаги поляронларнинг купер жуфтлашишлари ва псевдотирқиш кўринишида бўладиган БКШ-симон энергетик тирқиш назариясини ишлаб чиқиш;

юқори хароратли ўта ўтказувчан купратларда БКШ-симон псевдотирқишнинг пайдо бўлиш характеристик T^* харорати учун аниқ аналитик ифодаларни олиш ва мазкур хароратнинг T^* полярон ток ташувчилар концентрациясига ва кислород ҳамда мис изотопларининг массасига боғлиқлигини аниқлаш;

турли хил легирлаш даражасидаги ЮХЎЎ-купратларнинг ($^{16}O \rightarrow ^{18}O$) кислород ва ($^{63}Cu \rightarrow ^{65}Cu$) мис изотопларини алмаштириш натажасида БКШ-симон псевдотирқиш ҳосил бўлиш T^* хароратидаги изотоп эффект силжишларини аниқлаш;

юқори хароратли ўта ўтказувчан купратларда псевдотирқиш ҳосил бўлиш T^* хароратидаги $\alpha_{T^*}^O$ кислород ва $\alpha_{T^*}^{Cu}$ мис изотоп эффект коэффициентларини аналитик ифодасини олиш ва ушбу коэффициентларни ЮХЎЎ-материалларининг асосий параметрлари функциялари сифатида ҳисоблаш (масалан, кислород атомининг M_O массаси, мис атомининг M_{Cu} массаси, ϵ эффектив диэлектрик доимий, $\hbar\omega_{LO}$ оптик фононлар энергияси ва n ток ташувчилар концентрацияси);

назарий ҳисобланган псевдотирқиш ҳосил бўлиш T^* харорати, ΔT_O^* ва ΔT_{Cu}^* изотоп силжишлари ва $\alpha_{T^*}^O$ кислород ва $\alpha_{T^*}^{Cu}$ мис изотоп эффект коэффициентлари микдорларининг ҳисобланган қийматларини турли хил ЮХЎЎ-купратлардаги уларнинг тажриба қийматлари билан таққослаш орқали тажрибага мослигини кўрсатиш;

Тадқиқот объекти сифатида кам легирланган, оптимал легирланган ва ўта легирланган ЮХЎЎ-купратлар олинган.

Тадқиқот предметини ҳар хил легирлаш даражасидаги ЮХЎЎ-купратларнинг янги псевдотирқиш ҳодисалари ва изотоп эффектнинг псевдотирқиш ҳосил бўлиш T^* ҳароратига таъсири ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари квант ва статик механиканинг математик аппарати, полярон модел, БКШ-симон ўртача майдон усули, сонли ҳисоблаш усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кам легирланган, оптимал легирланган ва ўта легирланган *LSCO* ва *Bi-2212* купратлардаги псевдотирқиш ҳодисасини ушбу ғайриоддий юқори ҳароратли ўта ўтказувчанматериалларнинг T_c дан юқорида катта поляронлар ҳамда катта поляронларнинг БКШ-симон прекурсив жуфтлашиш моделлари доирасида келиб чиқишининг миқдорий концепцияси ишлаб чиқилган;

юқори ҳароратли ўта ўтказувчан *LSCO* ва *Bi-2212* купратларининг уйғониш спектрларида Δ_p полярон псевдотирқиш кучли электрон-фонон ўзаро таъсир ва оралиқ легирлаш даражаларида ҳосил бўлиши ва катта поляронларнинг диссоцияланиш T_p ҳароратидан пастда пайдо бўлиши кўрсатилган;

кам легирланган, оптимал легирланган ва ўта легирланган *LSCO* ва *Bi-2212* купратларнинг T_c дан юқорида (яъни нормал ҳолатда) уйғониш спектрларида катта поляронлар жуфтлашиши натижасида БКШ-симон Δ^* псевдотирқиш ҳосил бўлиши аниқланган;

юқори ҳароратли ўта ўтказувчан *LSCO* ва *Bi-2212* купратларининг нормал ҳолатидаги характерли фазавий диаграммаси олинган ва T_c дан юқорида T_p ва T^* бўлган икки хил характерли ҳароратнинг мавжудлиги кўрсатилган;

катта ва кичик Ферми юзаларга эга бўлган юқори ҳароратли ўта ўтказувчанкупратларнинг БКШ-симон псевдотирқиш ҳосил бўлиш T^* ҳарорати учун ҳамда БКШ-симон псевдотирқиш ҳосил бўлиш T^* ҳароратидаги изотоп эффект учун янги аналитик ифодалар олинган;

юқори ҳароратли ўта ўтказувчан купратларда $\alpha_{T^*}^O$ кислород ва $\alpha_{T^*}^{Cu}$ мис изотоп эффект коэффициентларининг T^* ҳароратидаги изотопик таъсир коэффициентларининг ҳисоблаш учун янги аналитик ифодаси олинган.

Тадқиқот амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори ҳароратли ўта ўтказувчан купратларнинг псевдотирқиш ҳолатининг асосий хоссаларини ва турли хил юқори ҳароратли ўта ўтказгич материалларида псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳароратига янги изотоп эффектнинг таъсирини кўрсатадиган микроскопик ёндашув ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги псевдотирқиш ва псевдотирқишнинг ҳосил бўлиш ҳарорати учун янги формулалар, олинган натижалар тажриба маълумотлари билан мос келган ҳолда квант механикаси ва назарий физика усуллари, шунингдек, ўртача майдоннинг БКШ усулини қўллаш билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар легирланган купратли ўта ўтказгичлар ва уларга ўхшаш материаллардаги псевдотирқиш ҳодисаларини ҳамда изотоп эффектлари ҳақидаги физикавий тасаввурларни кенгайтиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улар легирланган ўта ўтказгич купратларда псевдотирқишнинг пайдо бўлиши ва псевдотирқишнинг пайдо бўлиш ҳароратидаги изотоп эффектларини ривожлантирилган модели тасаввурлар, псевдотирқиш ҳодисалари ва юқори ҳароратли ўта ўтказувчан назариясини ривожлантиришда муҳим ютуқларга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори ҳароратли ўта ўтказгич купратларда псевдотирқиш ҳодисалари ва ушбу псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳароратидаги изотоп эффектларини назарий тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

юқори ҳароратли ўта ўтказувчан *LSCO* ва *Bi-2212* купратларда псевдотирқиш ҳодисалари ва псевдотирқиш пайдо бўлиш ҳароратига изотоп эффектларининг таъсирини ривожлантирилган миқдорий концепцияси, шунингдек ҳисоблаш учун олинган аналитик ифодалар “Полимер матричасига микро ўлчамдаги минерал йиғувчи моддалар киритилганда полимер композит материалларнинг физик-кимёвий хусусиятларининг яхшиланиши” (2013-2017) мавзусидаги лойиҳа доирасида фойдаланилган (К. Жубанов номидаги Октобе давлат университетининг 2019 йил 04 мартдаги № 21-13/753 – сонли хати). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ушбу материалларнинг псевдотирқиш хусусиятларини тушуниришга имкон берган;

юқори ҳароратли ўта ўтказувчан купратларда псевдотирқишларнинг ҳосил бўлиши ва ушбу материалларда псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳароратига янги изотоп эффектлари бўйича олинган натижалар, ҳамда уларни ўрганишдаги олинган аналитик ифодалар хорижий тадқиқотчилар томонидан фойдаланилган (*International Journal of Modern Physics B*, 2019; *International Journal of Modern Physics B*, Vol. 32, 2018; *International Journal of Modern Physics B*, Vol. 30, 2016; *International Journal of Modern Physics B*, Vol. 29, 2015). Илмий натижаларнинг қўлланилиши турли хил юқори ҳароратли ўта ўтказувчан материалларида псевдотирқишнинг пайдо бўлиши ва псевдотирқишнинг ҳосил бўлиш ҳароратига изотоп таъсирини аниқлашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика конференция ва илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4

та мақола, 2 таси хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган ва уларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Легирланган ва легирланмаган қаттиқ жисмларнинг электрон структураси” деб номланган биринчи бобда перовскит кўринишига эга бўлган ваасосий элемент структураси CuO_2 хисобланадиган қатламли кристалл структурали легирланмаган ва легирланган купратларнинг электрон структураси қаралди. Қаттиқ жисмларнинг бир электронли зона структурасини легирланмаган купратларнинг электрон структурасини ўрганишда қўлланилганда тубдан чекланган. Чунки бир электронли хисоб китоблар ушбу материалларнинг асосий ҳолатининг металл хусусиятини башорат қилади, холбуки тажрибада улар диэлектриклар хисобланади. Легирланмаган купратларнинг тажрибада кузатишган диэлектрик ҳолатини тушинтиришдаги бир электронли зоналар назариясининг муваффақиятсизлигининг сабаби кристалл панжара тугунидаги ионда икки тешик орасидаги U_d кулон ўзаро итарилиш кучининг хисобга олинмаганидир (яъни кучли электрон корреляция). Тажриба маълумотлари шуни кўрсатадики легирланган купратларнинг электрон тузилиши легирланмаган купратларнинг электрон тузилишидан тубдан фарқ қилар экан. Легирланмаган купратларни легирлаш жараёнида уларнинг тақиқланган зонасида (яъни, E_g энергетик тирқиш ичида) табиати номаълумлигича қолаётган янги электрон ҳолатлар ҳосил бўлади.

Тажриба тадқиқотлари шуни кўрсатадики, легирланган купратларнинг электрон тузилиши анча мураккаб ва янги диэлектрик тирқиш ε_g заряд узатиш энергия тирқишидан Δ_{CT} тахминан ўн баравар кичикдир. Бундай ҳолда, легирланиш таъсирида купратларнинг электрон тузилиши кескин ўзгаради ва заряд узатишнинг уйғониш спектри қуйи энергияли электрон уйғонишига ўтилади. Легирланган купратларнинг электрон тузилишининг бундай эволюцияси заряд узатиш тирқиши ичида (яъни бўшлиқ ҳолати) электрон ҳолатларининг пайдо бўлиши ва ушбу материалларнинг уйғониш спектрида қуйи энергияли тирқишлар билан боғлиқ деб тахмин қилинади. Мана шу тажриба кузатишларидан кўринадики, легирланган купратлар қуйи энергетик электрон тузилишларга ($\varepsilon_g \approx 0.1-0.2$ эВ диэлектрик тирқишли) эга

бўлиб, легирланмаган купратларнинг юқори энергетик электрон тузилишидан тўлиқ фарқ қилади $\Delta_{CT} = 1.5 - 2.0$ эВ.

“Легирланган $La_{2-x}Sr_xCuO_4$ ва $Bi_2Sr_2CaCu_2O_{8+\delta}$ юқори ҳароратли ўта ўтказгич купратлардаги псевдотирқиш ҳодисалари” деб аталган иккинчи бобда кам легирланган, оптимал легирланган ва ўта легирланган ЮХЎЎ $LSCO$ ва $Bi-2212$ купратларидаги псевдотирқиш ҳодисаларини катта поляронлар модели ва ушбу материалларнинг нормал ҳолатида катта полярон ток ташувчиларнинг БКШ-симон прекурсив жуфтлашиш модели доирасида назарий ўрганиш натижалари келтирилган ҳамда ЮХЎЎ $LSCO$ ва $Bi-2212$ купратларнинг нормал ҳолатидаги кам легирлангандан тортиб ўта легирланган режимигача бўлган ҳолатларининг янада аниқ фазавий диаграммалари олинди ва T_c дан юқорида $T_c < T^* < T_p$ ҳарорат оралиғида ҳар икки турдаги псевдотирқиш ҳолатларининг мавжудлиги аниқланди.

Тешикли легирланган ЮХЎЎ-купратлар кутбли материаллар ҳисобланади вауларда катта поляронлар ҳамда катта поляронларнинг жуфтлашиши ҳақиқий ва импульс фазоларда, мос равишда кучли ва оралиқ электрон-фонон ўзаро таъсирида вужудга келади. Кутбли купрат материалларда, тешикли ток ташувчилар, панжаранинг акустик ва оптик тебранишлари билан ўзаро таъсири натижасида купратларнинг заряд узатувчи энергетик тирқиш Δ_{CT} ичида полярон ҳолат ҳосил қилган ҳолда деформацияланган панжарада осонгина ўз-ўзидан жойлашади. Шу тариқа, боғланиш энергияси ε_p бўлган катта панжара поляронлари ҳосил бўлади. ЮХЎЎ-купратларнинг юқори ионлиги $\eta = \varepsilon_\infty/\varepsilon_0$ (бу ерда ε_∞ ва ε_0 мос равишда юқори частотали ва статик диэлектрик сингдирувчанлик) ва ғайриоддий электрон-фонон ўзаро таъсирлашуви ушбу ЮХЎЎ-системаларда полярон псевдотирқишнинг ҳосил бўлишида жуда муҳим рол ўйнайди, бу ерда заряд узатиш оралиғи Δ_{CT} ичида катта поляронларнинг тор энергия зонаси ($W_p \lesssim 0.1$ эВ) ҳосил бўлади, кислород валент зонасидаги тешикларнинг квазиэркин ҳолатлари эса тешикли катта поляронларнинг уйғониш ҳолатига айланади. Катта поляронларнинг Ферми сатхи ε_F заряд узатиш оралиғи ичида ётади ҳамда тешикли ток ташувчиларнинг фото уйғониш энергияси натижасида полярон ҳолатидан эркин ҳолатга ўтиши қуйидагича аниқланади

$$\Delta\varepsilon_F = \varepsilon_F^f - \varepsilon_F, \quad (1)$$

бу ерда $\varepsilon_F^f = \hbar^2(3\pi^2n_h)^{2/3}/2m_h^*$ — купратларни легирлаш натижасида кислород валент зонасида пайдо бўладиган квазиэркин тешикларнинг Ферми энергияси, $\varepsilon_F = \hbar^2(3\pi^2n_p)^{2/3}/2m_p$ — катта поляронларнинг Ферми энергияси, m_h^* — кислород валент зонасидаги квазиэркин тешикларнинг эффектив массаси, n_h — эркин тешиклар концентрацияси, n_p — тешикли поляронларнинг концентрацияси. Тахминларга кўра, полярон эффект купратларнинг легирланиш даражаси ошиши билан аста-секин сусайиб


боради ва ўта легирланган сохада йўқолади. Бу, ўз навбатида, поляронларнинг эффектив массасининг пасайишига олиб келади ва ўта легирланган режимдаги квазиэркин тешикларнинг массасига тенг бўлиб қолади. Легирланмаган купратларнинг бир заррали спектрида катта поляронларнинг уйғониш энергияси $\Delta\varepsilon_F$ полярон (жуфтлашмаган) псевдотирқиш кўринишида пайдо бўлади, чунки кучли тешик-фонон ўзаро таъсирлашуви тешик энергиясининг $\Delta\varepsilon_F$ пасайишига олиб келади (яъни Ферми сатхи ε_F^f ёки кимёвий потенциал $\mu = \varepsilon_F^f$ силжийди). Легирланиш даражасининг ошиши билан $x = n_p/n_a$ (бу ерда $n_a = 1/V_a$ – купратларнинг кристалл панжарадаги атомларининг зичлиги ёки концентрацияси, V_a – купратлардагидан бир CuO_2 қатламга мос келувчи бирлик ҳажм) полярон ток ташувчилар орасидаги кулон ўзаро итарилиши метал ҳолатида кучаяди ва катта поляронларнинг ε_p боғланиш энергияси камаёди. Тешикли ток ташувчиларнинг полярон ҳолатидан уларнинг ток ташувчи эркин ҳолатига ўтиши учун иссиқлик кўзғалиши ёки катта поляронларнинг иссиқликдан бўлиниши учун бошланғич энергияси полярон псевдотирқиш сифатида намоён бўлиб, қиймати бошқа ифода билан аниқлаш мумкин

$$\Delta_p = E_p - E_c, \quad (2)$$

бу ерда $E_c = e^2/\varepsilon_0 a_p$ – иккита катта поляронлар орасидаги кулон ўзаро итарилиш энергияси, $a_p = (3/4\pi n_p)^{1/3}$ – ушбу поляронлар орасидаги ўртача масофа. Шундай қилиб, ЮХЎЎ-купратларнинг уйғонтириш усулларига қараб, полярон псевдотирқиш катталиги (1) тенгламадан ёки (2) тенгламадан аниқланиши мумкин. Полярон псевдотирқишни (2) тенгламадан аниқлаш унинг турли хил легирлаш даражаларида ҳатти ҳаракатларини ўрганиш ва бундай псевдотирқишни турли хил ЮХЎЎ-материалларида кузатиладиган шунга ўхшаш псевдотирқиш билан таққослаш учун оқилона ёндашувдир. Шу сабабли, оддий металл ҳолатидан псевдотирқиш металл ҳолатига ўтиш ҳароратини қуйидаги муносабатдан аниқлаш мумкин

$$T_p = \Delta_p/k_B \quad (3)$$

Псевдотирқиш ҳолатига ўтиш ҳарорати T_p легирлаш даражаси x ошиши билан пасаяди ва квант критиклиги (яъни $T = 0$ даги квант фазавий ўтиш) квант критик нуқта (ККН) деб аталувчи маълум бир критик легирлаш даражасида $x = x_p$, T_p нолга тенг бўлади. *LSCO* ва *Bi-2212* бирикмалардаги полярон псевдотирқиш квант критик нуқтада йўқолади, биз қуйидаги параметр қийматларини $E_p \approx 0.13$ эВ, $\varepsilon_0 = 25$ и $n_a = 1.3 \cdot 10^{22} \text{ см}^{-3}$ қўллаган ҳолда *Bi-2212* фазавий диаграммасида полярон псевдотирқишнинг вазиятини оламин



1-расм. *LSCO* ва *Bi-2212* бирикмалари учун псевдотиркиш ҳолати ҳосил бўлиш ҳароратининг $T_p(x)$ легирлаш даражасига x боғлиқлиги, (2) ва (3) ифодадар орқали ҳисоблаб чиқилган. Таққослаш учун *LSCO* ва *Bi-2212* бирикмаларда псевдотиркишнинг пайдо бўлишига мос келувчи тажриба натижалари кўрсатилган

Энди биз, легирланган ЮХЎЎ-купратлардаги полярон ток ташувчиларнинг купер жуфтлашиш механизмларини оралиқ электрон-фонон ўзаро таъсирларида кўриб чиқамиз, бунда когерент бўлмаган полярон купер жуфтларининг кам легирланган, оптимал легирланган ва ўта легирланган ЮХЎЎ-купратларнинг нормал ҳолатида маълум бир характерли ҳароратда $T^* > T_c$ пайдо бўлиши мумкин бўлади. Ушбу ЮХЎЎ-системаларда полярон эффекти мавжуд бўлиши натижасида янги вазият ҳосил бўлади ва $\{-(E_p + \hbar\omega_{LO}), (E_p + \hbar\omega_{LO})\}$ энергетик оралиқда таъсирлашувчи ток ташувчилар орасидаги тортилувчи жуфтлашиш таъсир механизми (масалан, статик ва динамик фононлар алмашинуви туфайли) оддий БКШ-назариясидан самарали бўлади, бу ерда $\hbar\omega_{LO}$ бўйлама оптик фонон частотаси. У ҳолда, ЮХЎЎ-купратларда такомиллаштирилган БКШ назариясини T_c дан юқори ҳароратларда полярон ток ташувчиларининг купер жуфтлашиши ва $T^* > T_c$ ёки $T^* \gg T_c$ ҳароратда Ферми сатҳида энергетик тиркиш ҳосил бўлиши учун тасвирлаши мумкин. Бундай $T_c < T < T^*$ ҳарорат оралиғида пайдо бўладиган БКШ-симон энергетик тиркишга жуфтлашиш псевдотиркиши дейилади.

Такомиллаштирилган БКШ формализимини ўзаро таъсирлашувчи поляронлар Ферми газига қўллаган ҳолда, биз ушбу системадаги жуфт поляронларнинг ўзаро таъсир гамилтонианини қуйидаги кўринишда ёзишимиз мумкин

$$H_F = \sum_{k\sigma} \varepsilon(\vec{k}) a_{k\sigma}^+ a_{k\sigma} + \sum_{\vec{k}\vec{k}'} V_p(\vec{k}, \vec{k}') a_{k\uparrow}^+ a_{-\vec{k}\downarrow}^+ a_{-\vec{k}'\downarrow} a_{\vec{k}'\uparrow}, \quad (4)$$

бу ерда $\varepsilon(\vec{k}) = \hbar^2 k^2 / 2m_p$ – Ферми сатхидан ўлчанган поляронлар энергияси, $\vec{k}$ ва m_p – мос равишда поляронлар тўлқин вектори ва массаси, $a_{\vec{k}\sigma}^+$ ($a_{\vec{k}\sigma}$) – спин проекциясига σ ($=\uparrow$ ёки $\downarrow$) эга бўлган поляронларнинг яратилиш (йўқ қилиш) оператори, $V_p(\vec{k}, \vec{k}')$ – катта поляронлар орасидаги ўзаро таъсир потенциали. Гамильтониан (4) Ферми операторларининг стандарт $u-v$ Боголюбов алмаштиришлари ёрдамида диагоналлаштирилади. Ушбу диагонализациясидан сўнг Гамильониан (4) орқали биз полярон купер жуфтларининг асосий ҳолат энергиясини ва ушбу асосий ҳолат билан ажратилган бу жуфтликларнинг уйғонган ҳолатини БКШ-симон энергия оралиғини (яъни псевдотирқиш) $T \neq 0$ учунқуйидаги тенглама билан аниқланади

$$\Delta_F(\vec{k}, T) = - \sum_{\vec{k}'} V_p(\vec{k}, \vec{k}') \frac{\Delta_F(\vec{k}', T)}{E(\vec{k}', T)} \tanh \frac{E(\vec{k}', T)}{2k_B T} \quad (5)$$

бу ерда $E(k, T) = \sqrt{\varepsilon^2(k) + \Delta_F^2(k, T)}$ – полярон купер жуфтларининг уйғониш спектри.

Энди БКШ-симон псевдотирқишнинг ҳосил бўлиш ҳароратини T^* ва ушбу псевдотирқиш катталигини аниқлаш учун биз Боголюбовникига ўхшаш модел потенциалини қуйидагича танлаб оламиз

$$V_p(\vec{k}, \vec{k}') = \begin{cases} V_c - V_{ph} & |\varepsilon(\vec{k})|, |\varepsilon(\vec{k}')| \leq \varepsilon_A = E_p + \hbar\omega_{LO} \\ V_c & \varepsilon_A \leq |\varepsilon(\vec{k}')|, |\varepsilon(\vec{k}')| < \varepsilon_c, \\ 0 & \text{қолган ҳолларда} \end{cases} \quad (6)$$

бу ерда V_c – поляронлар орасидаги кулон итарилиш ўзаро таъсир потенциали, V_{ph} – ушбу ток ташувчилар орасидаги эффектив тортишув ўзаро таъсир потенциали.

Модел потенциалидан (6) фойдаланиб ва (5) тенгламадаги $\vec{k}$ бўйича суммани ε бўйича интегралга алмаштирсак, БКШ-симон энергетик тирқиш Δ_F ва полярон купер жуфтлари ҳосил бўлиш ҳарорати T^* учун навбатдаги БКШ-симон тенгламани оламиз

$$\frac{1}{\lambda^*} = \int_0^{\varepsilon_A} \frac{d\varepsilon}{\sqrt{\varepsilon^2 + \Delta_F^2(T)}} \tanh \frac{\sqrt{\varepsilon^2 + \Delta_F^2(T)}}{2k_B T}, \quad (7)$$

бу ерда $\lambda^* = D_p(\varepsilon_F) \tilde{V}_p$ – БКШ-симон боғланиш доимийси, $D_p(\varepsilon_F)$ – Ферми сатхидаги ҳолат хичлиги, $\tilde{V}_p = V_{ph} - V_c / (1 + D_p(\varepsilon_F) V_c \ln(\varepsilon_c / \varepsilon_A))$ – поляронлар орасидаги эффектив ўзаро таъсир потенциали, $\varepsilon_c \gg \varepsilon_A$. $T = T^*$ ва $\Delta_F(T = T^*) = 0$ ҳолда (7) тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$\frac{1}{\lambda^*} = \int_0^{\varepsilon_A} \frac{d\varepsilon}{\varepsilon} \tanh \frac{\varepsilon}{2k_B T^*}, \quad (8)$$

$\varepsilon_A = E_p + \hbar\omega_{LO} \gg 2k_B T^*$ учун қуйидагини топамиз

$$k_B T^* = 1.134 \varepsilon_A \exp\left[-\frac{1}{\lambda^*}\right] \quad (9)$$

ушбу ифода T^* учун оралик ($0.3 \lesssim \lambda^* \lesssim 0.6$) БКШ-симон электрон-фонон ўзаро боғланиш учун жуда мос келади.

Ферми сатхидаги БКШ-симон псевдотирқиш хосил бўлиш характерли T^* хароратини легирлаш даражасига боғлиқлигини аниқлаш учун, поляронларнинг ҳолат зичлигини содда кўринишда қуйидагича тахмин қилиш мумкин


$$D_p(\varepsilon_F) = \begin{cases} 1/\varepsilon_F & \varepsilon \leq \varepsilon_F = \hbar^2(3\pi^2 n_p)^{2/3}/2m_p \\ 0 & \text{қолган ҳолларда} \end{cases} \quad (10)$$

ушбу яқинлашишдан фойдаланиб, биз T^* учун қуйидаги ифодани оламиз:

$$k_B T^* \simeq 1.134 \varepsilon_A \exp\left[-\frac{\hbar^2(3\pi n_a x)^{2/3}}{2m_p \tilde{V}_p}\right]. \quad (11)$$


Ушбу ифодадан келиб чиқадики, ЮХЎЎ *LSCO* ва *Bi-2212* купратларда нормал ҳолатидаги катта поляронларнинг Ферми сатхидаги БКШ-симон псевдотирқишнинг хосил бўлиш $T^*(x)$ харорати, уларнинг ўта легирланган ҳолатдан ($x \approx 0.2$) легирланмаган ҳолатига ($x \simeq 0.05$) томон легирлаш даражаси камайиши билан экспоненциал равишда ортиб боради.

Юқоридаги *LSCO* учун $T^*(x)$ ни хатти ҳаракатини тасвирлаш учун, берилган $\varepsilon_A \simeq 0.10$ эВ, $m_p = 2m_e$ ва $\tilde{V}_p = 0.07$ эВ қийматлар учун 2-расмда кўрсатилганидек $T^*(x)$ боғлиқлиги ҳисобланди. Қолаверса *LSCO* учун $T^*(x)$ нинг тажриба қийматлари 2-расмда келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики $T^*(x)$ назарий эгри чизик $T^*(x)$ учун олинган тажриба натижаларига тўғри келади.



2-расм. $\varepsilon_A \approx 0.10$ эВ, $n_a = 5.3 \cdot 10^{21} \text{ см}^{-3}$, $\tilde{V}_p = 0.07$ эВ, $m_p = 2m_e$ параметр қийматлар учун БКШ-симон псевдотирқиш ҳосил бўлиш T^* ҳароратини (қаттиқ эгри чизик) легирланиш даражасига x боғлиқлиги. T^* учун тажриба нуқталари *LSCO* учун ARPES (оқ доиралар) ва туннел (қора уч бурчаклар) маълумотларидан олинган

Ушбу 3-расмда *Bi-2212* учун фазавий диаграмма кўрсатилган ва бу фазавий диаграмма *LSCO* учун ҳам ҳисобланади. Ушбу расмда ЮХЎЎ *Bi-2212* купратининг кам легирланган ҳолатидан ўта легирланган ҳолатидаги псевдотирқиш ҳолат фазавий диаграммаси келтирилган



3-расм. *Bi – 2212* купратидаги полярон псевдотирқиш ва БКШ-симон псевдотирқиш сценарий бўйича ҳарорат-легирлаш ($T - x$) фазавий диаграммаси

Полярон псевдотирқиш ҳолатига ўтиш ҳароратига мос келадиган ва $x = 0,22$ квант критик нуқтада тугайдиган $T_p(x)$ чизиғи (2.2) тенглама орқали қуйидаги параметр қийматлар $E_p = 0.132$ эВ, $\varepsilon_0 = 25$ ва $n_a = 1.3 \cdot 10^{22} \text{ см}^{-3}$ ёрдамида ҳисоблаб чиқарилган. Бошқа БКШ-симон псевдотирқиш ҳолатига ўтиш ҳароратига $T^*(x)$ мос келадиган чизик (11) тенглама орқали қуйидаги параметр қийматлар $m_p = 2m_e$, $\varepsilon_A = 0.098$ эВ, $n_a = 1.3 \cdot 10^{22} \text{ см}^{-3}$, $\tilde{V}_p = 0.125$ эВ ёрдамида ҳисоблаб чиқарилган. Бу чизик ўта легирланган соҳада ўта ўтказувчан критик чизик $T_c(x)$ билан бирлашади.

Учинчи боб “**Юқори ҳароратли ўта ўтказувчан купратларнинг нормал ҳолатидаги ғайриоддий изотоп эффектлари**” ушбу бобда легирланмаган, оптимал легирланган ва ўта легирланган ЮХЎЎ-купратларнинг БКШ-симон псевдотирқиш ҳосил бўлиш T^* ҳароратига янги изотоп эффектнинг таъсирини назарий татқиқотлар натижалари тақдим этилган. Оддий металлларда электронларнинг панжара тебранишлари билан ўзаро кучсиз ўзаро таъсир натижасида уларнинг эффектив массаси панжара атом массасига M боғлиқ бўлмайди. Аксинча, қутбли материалларда, шу жумладан, ЮХЎЎ-купратларда полярон ток ташувчиларнинг эффектив массаси кислород M_O ва мис M_{Cu} ионларининг массасига боғлиқ бўлади.

Биз купрат бирикмаларининг турли хил легирлаш даражаларида ва нисбатан катта Ферми сатҳида ($\varepsilon_F > E_p + \hbar\omega_0$) ҳамда нисбатан кичик Ферми ($\varepsilon_F < E_p + \hbar\omega_0$) сатҳида юзага келадиган физик ходисаларни кўриб чиқдик. Бу ерда $\hbar\omega_0$ бўйлама оптик фонон энергиясини ифодалайди.

Биз полярон эффектлари оддий БКШ кўринишни сезиларли даражада ўзгартирганини ва ЮХЎЎ-купратларининг псевдотирқиш ҳосил бўлиш ҳароратига T^* ғайриоддий изотоп эффект таъсир кўрсатишини кўрсатдик. Катта поляронлар назариясида поляронларнинг эффектив массаси m_p , боғланиш энергияси E_p ва Ферми энергияси ε_F купратлардаги мис Cu ва кислород O ионлари массаларига $M (= M_O$ ёки $M_{Cu})$ ва $M' (= M_{Cu}$ ёки $M_O)$ боғлиқ бўлган Фрелих типидagi электрон-фонон ўзаро боғланиш доимийси α_F га қуйидаги кўринишда боғланади:

$$\alpha_F = \frac{e^2}{2\hbar\omega_{LO}} \left[\frac{1}{\varepsilon_\infty} - \frac{1}{\varepsilon_0} \right] \left(\frac{2m\omega_{LO}}{\hbar} \right)^{1/2}, \quad (12)$$

бу ерда $\omega_{LO} \simeq [2\beta(\frac{1}{M} + \frac{1}{M'})]^{1/2}$, β -панжара куч доимийси, m -қаттиқ (деформацияланмаган) панжарадаги эркин ток ташувчининг массаси, яъни электрон-фонон ўзаро таъсир бўлмаганда. Оралиқ электрон-фонон ўзаро боғланиш режимида катта поляронларнинг массаси ва боғланиш энергияси мос равишда қуйидагича аниқланади:

$$m_p = m \left[1 + \frac{\alpha_F}{6} \right] \quad (13)$$

ва

$$E_p = \alpha_F \hbar \omega_{LO} \quad (14)$$

бундан ташқари (9) тенгламани T^* да изотоп эффекти учун қуйидаги кўринишда ёзамиз

$$k_B T^* \simeq 1.134 (E_p + \hbar \omega_{LO}) \exp \left[-\frac{1}{\lambda^*} \right], \quad (15)$$

бу ерда $\lambda^* = \frac{\tilde{V}_p}{\varepsilon_F}$ полярон массасига m_p боғлиқ (бу ўз навбатида α_F ёки ω_{LO} боғлиқ) ва $E_p + \hbar \omega_{LO}$ ни $\tilde{V}_p$ орқали қуйидаги кўринишда ёзишимиз мумкин

$$\tilde{V}_p = V_{ph} - \frac{V_c}{1 + (V_c/\varepsilon_F) \ln \left[\frac{\varepsilon_c}{E_F + \hbar \omega_{LO}} \right]} \quad (16)$$

у холда T^* да изотоп эффект коэффициентикуйидагича аниқланади

$$\alpha_{T^*} = -\frac{d \ln T^*}{d \ln M} \quad (17)$$

(13) ва (14) тенгламалардан фойдаланиб, (15) ва (17) тенгламалар қуйидаги кўринишни олади:

$$k_B T^* \simeq 1.134 A \mu^{-1/4} [1 + a \mu^{-\frac{1}{4}}] \exp \left[-\frac{1}{\lambda^*(\mu)} \right] \quad (18)$$

ва

$$\alpha_{T^*} = \frac{1}{4 \left[1 + \frac{M}{M'} \right]} \left\{ 1 + \frac{a \mu^{-\frac{1}{4}}}{1 + a \mu^{-\frac{1}{4}}} - \frac{1}{(\lambda^*(\mu))^2} \left(\lambda_{ph} b \mu^{\frac{1}{4}} - \frac{\lambda_c b \mu^{\frac{1}{4}}}{U_c(\mu)} + \frac{\lambda_c^2 (1 + b \mu^{\frac{1}{4}})}{U_c^2(\mu)} [b \mu^{\frac{1}{4}} \ln B_c(\mu) + \right. \right. \\ \left. \left. (1 + b \mu^{\frac{1}{4}}) \left(1 + \frac{a \mu^{-\frac{1}{4}}}{1 + a \mu^{-\frac{1}{4}}} \right) \right] \right\}, \quad (19)$$

$$\text{бу ерда } \lambda^*(\mu) = \left[\lambda_{ph} \left(1 + b \mu^{\frac{1}{4}} \right) - \frac{\lambda_c (1 + b \mu^{\frac{1}{4}})}{U_c(\mu)} \right], \quad U_c(\mu) = 1 + \lambda_c \left(1 + \right.$$

$$\left. b \mu^{\frac{1}{4}} \right) \ln B_c(\mu), \quad \lambda_{ph} = \left[\frac{2m}{\hbar^2 (3\pi^2 n)^{\frac{2}{3}}} \right] V_{ph}, \quad \lambda_c = \left[\frac{2m}{\hbar^2 (3\pi^2 n)^{\frac{2}{3}}} \right] V_c, \quad B_c(\mu) =$$

$$\frac{\varepsilon_F \mu^{\frac{1}{4}}}{1 + a \mu^{-\frac{1}{4}}}, \quad A = \frac{e^2}{\tilde{\varepsilon}} \sqrt{\frac{m}{2\hbar}} (2\beta)^{1/4}, \quad a = \hbar \tilde{\varepsilon} \sqrt{\frac{2\hbar}{m}} \frac{(2\beta)^{\frac{1}{4}}}{e^2}, \quad b = \frac{1}{6a}, \quad \tilde{\varepsilon} = \frac{\varepsilon_\infty}{1-\eta} - \text{эффектив}$$

диэлектрик доимийси, $\mu = \frac{MM'}{(M+M')}$ — панжара ионларининг келтирилган массаси.


Шундай қилиб, биз ЮХЎЎ-купратлардаги янги полярон изотоп эффектларини аниқлайдиган (18) ва (19) янги тенгламаларни олдик.

Ушбу(18) ва (19) тенгламалар бизга псевдотирқиш ҳосил бўлиш T^* хароратини, T^* хароратидаги изотопик силжишларини ΔT^* ва псевдотирқиш ҳосил бўлиш хароратидаги T^* кислород $\alpha_{T^*}^O$ ва мис $\alpha_{T^*}^{Cu}$ изотоп эффект коэффициентларини ҳисоблаш имконини беради. Купратлар учун, диэлектрик доимийни $\epsilon_\infty = 3 - 5$ ва $\epsilon_0 = 22 - 50$ тажриба қийматларидан фойдаланиб, биз $\tilde{\epsilon}$ нинг мумкин бўлган қийматларини аниқлашимиз мумкин. Ушбу (18) ва (19) тенгламаларга $\tilde{\epsilon}$ нинг мумкин бўлган мос қийматларини қўйиб, биз псевдотирқиш ҳосил бўлиш харорати T^* ва изотопик силжишларини ΔT^* , кислород $\alpha_{T^*}^O$ ва мис $\alpha_{T^*}^{Cu}$ изотоп эффект коэффициентларини ҳисоблаб, кейинчалик турли хил ЮХЎЎ-купратлардаги ўлчов қийматлари билан таққосланди. Бизнинг назарий ҳисоб китобларимизда $m = m_e$ ва $\hbar\omega_{LO} = 0.04 - 0.07$ эВ ҳам танланади. У ҳолда биз $\alpha_F = 2.15 - 5.54$ топамиз (бу оралиқ электрон-фонон режимига тўғри келади).


ЮХЎЎ-купратлардаги псевдотирқиш ҳосил бўлиш харорати T^* ва ушбу хароратдаги изотоп эффектини аниқлаш учун берилган ион массалари учун, (18) ва (19) тенгламалар бир вақтнинг ўзида ҳамда мустақил равишда ечилиши керак, ушбу тенгламадаги ^{16}O кислород изотопининг массасини унинг ^{18}O изотопининг массаси билан алмаштрилади ва ^{16}O ҳолати билан бир хил бўлган барча параметрлари сақланади, T^* қиймати яна ҳисобланади ва изотоп алмаштириш натижасида $^{16}\text{O} \rightarrow ^{18}\text{O}$ изотоп силжишлари $\Delta T_O^* = T^*(^{18}\text{O}) - T^*(^{16}\text{O})$ ҳисобланади. Изотопик силжиш $\Delta T_{Cu}^* = T^*(^{65}\text{Cu}) - T^*(^{63}\text{Cu})$ изотопик алмаштириш $^{63}\text{Cu} \rightarrow ^{65}\text{Cu}$ учун ҳам шундай ҳисобланади. Шу билан бирга, турли хил $\tilde{\epsilon}$, n , λ_{ph} ва λ_c қийматлар учун T^* , $\alpha_{T^*}^O$, $\alpha_{T^*}^{Cu}$, ΔT_O^* ва ΔT_{Cu}^* сонли ҳисоб китоблар ўтказилди.

Олинган натижалар ЮХЎЎ-купратлардаги T_c дан юқори бўлган БКШ-симон псевдотирқиш ҳолатига ўтиш хароратини T^* ҳамда T^* даги турли хил изотоп эффектларининг таъсирини мавжудлиги тўғрисида изчил суратларни беради. Улар нима учун ЮХЎЎ-материалларида кичик мусбат ёки ҳатто карама-қарши ишора (4-расмга қаранг) ва T^* даги жуда катта кислород изотоп эффектининг таъсирини (4 ва 5 расмга қаранг) турли хил тажрибаларда кузатилганлигини тушунтиради.


